

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>Қ.Юлчиев</b>	
Ўзбек шеъриятида лирик хронотопнинг ривожи .....	77
<b>Г.Орипова</b>	
Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида халқ оғзаки ижоди анъаналари ва ўзига хосликлар .....	82
<b>А.Акбаров</b>	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

---

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.Турғунов</b>	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
<b>А.Бердиалиев</b>	
Тил бирликлариаро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулҳазалар.....	96
<b>М.Абдулпаттоев, С.Зокирова</b>	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни .....	101
<b>Д.Ашурев</b>	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари .....	104

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Д.Саимназарова</b>	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида .....	108
<b>А.Асимов, М.Ғофурова</b>	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш .....	111

---

## ИЛМИЙ АҲБОРОТ

<b>Т.Шадманов</b>	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида .....	115
<b>С.Маннопов, А.Қамбаров</b>	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир .....	118
<b>С.Содиков</b>	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши .....	120
<b>Н.Усмонов</b>	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш .....	123
<b>Н.Махмудова</b>	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини .....	126
<b>Ж.Дилмуров</b>	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари .....	128
<b>Н.Эргашева</b>	
Инглиз тили Америка варианти грамматикасининг айрим хусусиятлари .....	130
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари .....	134
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти .....	137
<b>Л.Тешабоева</b>	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари .....	140
<b>Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова</b>	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти .....	142
<b>Д.Абдурахмонова</b>	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида .....	145

---

## ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

<b>Фидой олим</b> .....	148
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b> .....	150

## ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИШЧИ ДАФТАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Г.Эшбекова., Г.Ҳамроқулова**

### **Аннотация**

Мақолада ишчи дафтарнинг ўкув жараёни самарадорлигини оширишдаги ўрни ва роли масаласи кўриб қиқилган. Кўп функцияли дидактик восита бўлган ишчи дафтарнинг тузилиши, турлари ва аҳамияти таҳлил қилинган. Ишчи дафтар мақсадга йўналтирилган вазифа ва машқлар тизимини ўз ичига олган истиқболли ўкув қўлланмаси сифатида кўриб қиқилган.

### **Аннотация**

В статье рассматриваются роль и место рабочей тетради в повышении эффективности учебного процесса. Проанализирована структура, виды и значение рабочей тетради, являющейся многофункциональным дидактическим средством. Рабочая тетрадь рассмотрена как перспективное учебное пособие, включающее в себя систему целевых задач и упражнений.

### **Annotation**

In this article the role and place of the workbook in improving the efficiency of the educational process was revealed. The structure, types and value of the workbook, which is a multifunctional didactic tool, were analyzed. Workbooks were considered as a promising educational tool, which includes target tasks and exercises.

**Таянч сўз ва изборалар:** дидактик восита, ишчи дафтар, унинг тузилиши, турлари, дидактик имкониятлари, вазифа ва машқлар тизими.

**Ключевые слова и выражения:** дидактическое средство, рабочая тетрадь, структура, виды, дидактические возможности, система задач и упражнений.

**Keywords and expressions:** didactic tool, workbooks, their structure, types, didactic possibilities, the system of tasks and exercises.

Ҳозирги пайтда талабаларнинг тайёргарлигига қўйилаётган жамият талабларига мувофиқ улар ўкув фанларини ўрганиш жараёнида билимларни шунчаки эгаллаш билан чекланмай, ўкув фани масалалари устида мустақил ишлай олишлари ва бу масалаларнинг моҳиятини англаш юзасидан ижодий изланиш малакаларига эга бўлишлари керак. Талабаларнинг мустақил ишлаш ва ижодий изланишлари учун зарур билим, кўникма ва малакаларни ривожлантира бориш имконини берувчи дидактик воситаларнинг моделларидан бири сифатида ўкув фани бўйича ишчи дафтарларни айтиб ўтиш мумкин.

Ишчи дафтар – унда мавжуд ишланмалар устида бевосита ишлаш учун мўлжалланган босма асосдаги қўлланма; мавзуни ўрганишнинг дастлабки босқичларидаёқ амалий фаолият ҳажмини кенгайтириш ва иш мазмунини, шаклларини, шунингдек, талабалар фаолияти турларини хилма-хиллаштириш мақсадида қўлланилади [1,196-199].

Ишчи дафтарларда ўкув жараёнининг самарадорлигини ошириш имконини берадиган, таълим олувчиларнинг чукур билим, мустаҳкам кўникма ва малакаларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган, шу йўл билан уларни мустақил ишлашга, ижодий

изланишга йўллайдиган турли ўкув машқлари, ўйинлар, тест ва кроссвордлар, савол ва ижодий топшириқлар тизими ишлаб чиқилган бўлади. Ишчи дафтарлар босма нашр шаклида, шунингдек, электрон кўринишда ҳам тақдим этилиши мумкин. Ишчи дафтарлар ишчи дастурларга тўла мувофиқ ҳолда ишланади. Унинг тузилиши ва мазмуни фан ва фанлараро курснинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Нисбатан янги турдаги ўкув қўлланмаси ҳисобланган ишчи дафтарларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича айрим хорижий мамлакатларда яхши тажриба тўпланган. Хусусан, Россияда тарих фани бўйича ишчи дафтарлар устидаги ишлар уч йўналишда кузатилган:

1) ишчи дафтарларнинг аниқ бир тарих дарслигига илова сифатида баъзи ҳолларда дарслик муаллифларининг ўзлари, бошқа ҳолларда муаллифларнинг ҳамфирлари томонидан тузилиши;

2) ишчи дафтарларнинг тарихнинг мактаб курси бўйича, аммо аниқ бир дарсликка боғланмаган ҳолда мустақил ўкув қўлланмаси сифатида тузилиши;

3) ишчи дафтарларнинг анъанавий дарслик ўрнини босувчи, тарихни ўрганишнинг мустақил воситаси сифатида тузилиши [2,196].

Ўзбекистонда тарих фани бўйича бундай кўп функцияли дидактик восита ҳали у қадар оммалашмаган. Аммо

Г.Эшбекова – Жizzах вилояти юридик коллежи ўқитувчisi,  
Г.Ҳамроқулова - Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жizzах академик  
лицеи ўқитувчisi.

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

мактаб, лицей ва коллеж, олий ўкув юртларидаги илғор фан ўқитувчилари, репетиторлик курсларини олиб борувчи ўқитувчилар тарих фани юзасидан атамалар билан ишлаш, кроссворд, ёзувсиз харитани тұлдыриш, турли хотира машқлари, мантиқий топшириқлар ишлаб чиқиб, ўзларининг муайян услугуби лабораторияларини яратиб олғанлар. Бундай лабораторияларни таълим олувчиларда тарихий тафаккур элементларини ривожлантиришга ёрдам берадиган воқелик ҳодисаларини баҳолаш, асосли башорат қилиш, қарама-қарши, муқобил ёки тұлдырувчи маълумот-фир бериш каби нисбатан мураккаб вазифа-машқлар[3,100] ишлаб чиқиш ва улардан ўкув жараёнида фойдаланиш билан янада бойитиш лозим. Ўқитувчиларда мантиқий, хронологик, хотира машқларини ва бошқа ўкув вазифаларини тарқатма материал сифатида ҳар гал тайёрлаш вақт нұқтаи назаридан, моддий жиҳатдан қийинчиликлар туғдирали. Бундай ҳолатда арzon ва сифатли босма ва электрон күрнишдаги ишчи дафтарлар жуда қулай ҳисобланади.

Ишчи дафтарлар талабаларда барқарор билим ва күнікмаларни тизимли шакллантириш имконини бериши учун унинг мазмұни услугуби ва дидактикалық талабларга жавоб бериши лозим. Ишчи дафтарларнинг тузилиши ва мазмұнида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим:

- күргазмали суратлар қурилиш усулларининг вариативлиги;
- вазифаларни бажариш намуналари;
- график вазифаларни бажаришда рангларнинг құлланилиши;
- вазифалар қўйилишининг тўғрилиги ва аниқлиги;
- вазифалар тўпламишининг қўлланманинг бир қисмидан иккинчисига осон ўтиладиган муайян тартибда тузилганлиги [4].

Бундай қўлланмалар тузилмасининг бирлиги сифатида мавзу, боб ёки бўлимлар ҳам олиниши мумкин. Ишчи дафтарни тайёрлаш ва ундан фойдаланишда ўқувчи ва талабалар билимининг узвийлиги, билимлар бир-бирини тұлдира борибина қолмай, мустаҳкамланиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Яратилган ишчи дафтарлар материалы қуйидаги тартибда тузилган: кириш, тавсия этилган адабиётлар рўйхати, ўкув курсининг қисмлари бўйича вазифалар, ўзинлар, таълим олувчиларнинг якка тартибдаги мустақил ишлари учун варақлар. Киринча таълим мурожаат, материал

жойлашувининг ўзига хосликлари очилади, дафтар билан ишлаш бўйича тавсиялар, вазифалардаги асосий белгилар рўйхати келтирилиб, маъноси берилади. Дафтарда ҳар бир мавзу унга оид вазифалар тизими билан намоён бўлади: мавзу юзасидан қисқа маълумотлар, гапни тугалланг, саволга қисқа жавоб беринг, тўғри жавобни танланг, турли манбаларни қўллаб, жавоб топинг, графикни тасвирланг, ёзувсиз харитани тўлдириш. Ўзинлар қисмida кроссворд, турли бошқотирмалар билан ишлаш таклиф этилади. Якка тартибдаги мустақил иш талабаларга ижодий вазифалар, масалан, тест тузиш, бир неча манбадан фойдаланиб, қисқа хабар тайёрлаш, вазифа ўйлаб топиш каби топшириқлар шаклида қўйилиши мумкин.

Адабиётларда ишчи дафтарларнинг учтури ажратилади:

1. Ахборот берувчи дафтарлар.
2. Назорат қилувчи дафтарлар.
3. Арапаш турдаги дафтарлар.

Улар орасида арапаш турдаги дафтарларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги ёқланади [5,552-555].

Тарих таълимимда таклиф этилган ишчи дафтарларнинг қуидаги типларини кузатиш мумкин:

- ёзувсиз тарихий хариталар билан ишлаш дафтарлари [6];
- машқлар учун дафтарлар (эслаб қолиш зарур бўлган атамалар, сана ва исмлар жамламасини тартиблаш, воқеаларни хронологик тартибда жойлаштириш, жадвал ва чизмаларни тұлдыриш, маълумот берадиган материаллар билан ишлашни ўрганиш шаклидаги хотира машқлари, ўкув кўникма ва малакаларини ривожлантириш, қисман ижодий ишлаш машқлари келтирилган) [7].

Таълимда ишчи дафтарларни қўлланиш ўкув жараёнининг кулай ва самарали усулларидан бириди. Улар ўкув материалининг ўзлаштирилишини назорат қилиш, ўқувчилар фикрлаш фаолиятини ташкил этиш ва олинган билимларни текшириш имконини беради.

Ўрганилаётган масалага оид тадқиқот ишлари ва яратилган ишчи дафтарларни таҳлил қилиш асносида уларнинг қуидаги афзал дидактикалық имкониятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишчи дафтарлар ўқитувчига ўкув машғулотини режалаштиришни осонлаштиради;

- талабаларга машқлар, мустақил ва назорат ишлари учун вазифаларни тезкор тақдим этиш;
- вазифалар, баъзи ҳолларда топшириқларнинг жавоблари учун зарурӣ техник-технологик маълумотлар, тавсия ва кўрсатмаларнинг мавжудлиги;
- талабаларни механик ишларнинг улкан ҳажмидан озод этади;
- талабаларга матндаги энг муҳим ва аҳамиятлисини ажратишга ёрдам беради;
- машғулотда оғзаки ва ёзма ишларни мувофиқ олиб бориш имконини беради;
- талабаларнинг бутун гуруҳини қизғин билиш фаолиятига жалб этиш;
- ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, назорат қила бориш имкониятини беради.

Тарих фанидан ишчи дафтарлар кўп функцияли дидактик восита сифатида ўзида жамланган турли машқ ва топшириқлар ёрдамида талабаларга дарслидан

ўргангандарини хотирада мустаҳкамлаш, олинган билимларни тизимлаштириш, ўзларида ақлий фаолият усусларини ривожлантириш ва мустақил қўлланиш, ўқув кўнишка ва малакаларини мустаҳкамлаш билан бирга мустақил ишлаш ва ижодий изланиш малакаларини ҳосил қилиш имконини беради. Шунингдек, ишчи дафтарлар ўқитувчига ўқув жараёнини юзаки эмас, балки илмий, педагогик-психологик жиҳатдан чуқур ўйлаб ишланган машқ ва топшириқлар тизими воситасида осонроқ режалаштириш ва назорат қилишга ёрдам беради. Ишчи дафтарларда ақлий фаолият усусларини қўлланиш талаб этиладиган мантиқий топшириқлар мажмунининг мавжудлиги ўқитувчига ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини бевосита кузатиб бориш имкониятини беради.

### Адабиётлар:

1. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе // Молодой учёный. - 2018. - №7. <https://moluch.ru/archive/193/48351/>
2. Вяземский Е.Е., Стрелова О.Ю. Теория и методика преподавания истории: Учеб. для студ. высш. учеб. завед. –М.: Гуманист. изд. Центр ВЛАДОС, 2003.
3. Короткова М.В. Методика обучения истории в схемах, таблицах, описаниях: Практ.пособие для учителей. – М.: Гуманист.изд. центр ВЛАДОС, 1999.
4. Ханирова Е.Х. Рабочая тетрадь как дидактическое средство обучения // Инновации в науке: сб. ст. по матер. I междунар. науч.-практ. конф. № 10(47). (28 октября 2015 г.) – Новосибирск: СибАК, 2015. <https://sibac.info/conf/innovation/I/43112>.
5. Данилов О.Е. Печатная рабочая тетрадь для обучаемого как часть учебно-методического комплекса дисциплины // Молодой учёный. - 2013. - №4.
6. Рабочая тетрадь с контурными картами по истории Древнего мира. Изд. Белкартография. 5 класс. История. <https://resheba.me/qdz/istorija/5-klass/belkartografija>.
7. Кошелев В.С., Байдакова Н.В. История Древнего мира. 5 класс. Рабочая тетрадь. Изд. Аверсэв. <https://resheba.me/qdz/istorija/5-klass/koshelev>.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)